

Пешин намозида



06:10 / 07.09.2018 4914

Ассалому алайкум! Одатда пешин намози тушлик пайтига тўғри келади. Кишини қорни оч бўлса овқатини еб кейин намозини адо қилсин деб эшитган эдим. Оч ҳолатда намозини ўқиса хаёли овқатга кетиб қолиши мумкин. Намозда хушу қолмайди деб эшитган эдим. Бу ҳолатга динимиз қандай кўрсатма беради?

"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:

Ваалайкум ассалом! Бу гап ҳақиқатан қорни очганлар учундир. Сиз ва биз каби қорни очганидан кейин ҳам бир қанча вақт юраверадиган ёки ҳар куни пешин вақтида таомланиш керак деб тўқ бўлса ҳам овқатланаверадиганлар учун эмас. Валлоҳу аълам!